

Тазкия дарслари (45-дарс). Тасаввуфдаги шатаҳот нимани англатади?



16:10 / 15.08.2019 5607

Тасаввуф ҳақида бироз бўлса ҳам хабардор бўлган киши «шатаҳот» сўзининг фақат тасаввуфда ишлатилишини ва у сўфийларнинг ўзларини йўқотиб қўйганда айтадиган, тушуниб бўлмайдиган, сиртдан қараганда айб, таъвил қилганда маъно касб этадиган сўзлари эканини билади.

Аслида «шатаҳот» сўзи «ҳаракат» ва «тўлиб-тошиш» деган маъноларни англатади.

Журжоний шатаҳотни қуйидагича таърифлайди:

«Шатаҳот қўпол ҳидли ҳамда яхшилик даъвосига далолат қилувчи сўз бўлиб, аҳли маърифатдан изтирор ва изтироб пайтида содир бўлади. У муҳаққиқларнинг тойилишларидир. У орифнинг айтган ҳақ даъвоси бўлиб,

илоҳий изнсиз айтилган гапдир».

Шатаҳот сўфийнинг оғзидан оддий ҳолатда эмас, балки жазб ва қаттиқ таъсирланиш оқибатида чиқади. Зикр ила Аллоҳ таолога етишиб қолган сўфий ўзини йўқотиб қўйиб, нима деяётганини билмай қолади.

Дастлаб бу каби ҳолатлар Қуръони Карим тиловати давомида юзага келар ва таъсирланган сўфийлар ҳушларидан кетиб, йиқилар эдилар. Кейинроқ бу нарса сўфийларнинг ғазал услубида рамз билан айтган шеърларидан таъсирланишга ҳам ўтди.

Уламолар, ҳатто баъзи сўфийлар ҳам шатаҳотларни қаттиқ танқид қилишган. Айниқса шайх Аҳмад Рифоъий раҳматуллоҳи алайҳи Халложга ва унинг шатаҳотларига қарши қаттиқ ҳужум қилган:

«Халлождан унинг «Анал Ҳақ» («Ҳақ менман») деганини нақл қиладилар. У ваҳми ила хато қилган. Агар у ҳақда (яъни ҳақ йўлда) бўлганида, «Анал Ҳақ», демас эди».

Агар сўфийларга ўзларидан содир бўлган шатаҳотлар учун маломат сўзлари айтилса, улар ўзларини ҳимоя қилиб, тушунарли сўзлар билан шатаҳотларини тафсир қилган ҳоллари ҳам бўлган.

Ибн Арабий бир вақт қуйидаги байтни айтган:

«Эй мени кўрадиган ва мен Уни кўрмайдиган Зот!

Қанчалар Уни кўраман-у, У мени кўрмайдиган Зот!»

Бу ғаройиб маънодаги байтни эшитганлардан бири унга: «Қандай қилиб сен Уни кўрасан-у, У сени кўрмайди?!» деган.

Ибн Арабий дарҳол яна байт ўқиган:

«Эй мени жиноятчи кўрадиган ва мен

Уни азобловчи кўрмайдиган Зот!

Қанчалар Унинг неъматин кўраман-у,

У менинг ёлворганимни кўрмайдиган Зот!»

Сўфийларнинг шатаҳотга йўл қўйганлари икки хил бўлганини таъкидлашимиз лозим:

1) Зикр ҳолига фарқ бўлиб, ўзини билмай қолганда шатаҳотга йўл қўйиб, ҳушёр ҳолга қайтганда ўзини оқловчи сўзларни айтганлар:

2) Ҳушёр ҳолида ҳам шатаҳотда давом этаверганлар.

Биринчи тоифани маъзур тутилган. Бунга Ҳасрийдан нақл қилинган қуйидаги иқтибос далил бўла олади:

«Жунайд тамаккунли одам эди. Унинг ўзидан кетиши йўқ эди. Амр ва наҳийни улуғлар эди. У йўлни аслидан олган эди. Шунинг учун ҳам унинг барча тоифаларга мақбул бўлгани ажабланарли эмас».

Иккинчи тоифа номақбул топилган. Бу тоифанинг энг машҳур арбобларидан бири Мансур Халлождир. У ўзининг машҳур шатаҳотини айтганида, ҳушёр ҳолида ундан қайтиши талаб қилинган. Аммо Халлож ҳушёр ҳолида ҳам гапидан қайтмаган. Шу тарзда тўққиз йил ўтган. Ўшанда ҳам айтганидан қайтмаганидан кейингина Халлож қатл қилинган.

Аммо вақт ўтиши билан шатаҳотлар барҳам топган. Машҳур сўфийлардан Жийлоний ва Рифоъий шатаҳотга йўл қўйиш у ёқда турсин, уни қаттиқ танқид ҳам қилишган.

Ўз шеърлари ва гапларида «қадах», «май», «лайло» каби истилоҳларни ишлатган сўфийлар ҳам кўп бўлган. Бундай истилоҳларни сўфийларнинг ўзлари «рамз», «ишора» ва «лағз» дейдилар.

Аҳли тассавуфнинг бундай услубни қўллагани сабаблари ҳақида Мисрдаги «Ашийраи Муҳаммадия» тариқати шайхи Муҳаммад Закий Иброҳим жумладан, қуйидагиларни айтади:

«Баъзи сўфийлар ўз шавқу завқларини, эҳсосларини ифода этиш учун киноя ва истиора йўли ила рамз, ишора ва лағзларни ишлатганлар. Улар шу иш билан танилиб, «аҳли ишора» номини ҳам олганлар. Уларнинг бундай қилишларининг бир неча сабаблари бор:

1. Одатдаги сўз ва иборалар уларнинг шуурлари, эҳсослари ва шавқу завқларини тўла ифода қилишга камлик қилгани.

2. Ҳар бир илмнинг ўзига хос истилоҳлари бор. Сўфийлар ҳам ўзларига хос истилоҳларни ишлатсалар нима бўлибди?!

3. Зулм ва истибдод шароитида, очиқ гап учун жазоланиш муҳаққак бўлиб турганда, ҳар ким ўзлигини билдириши лозим бўлганда, сўфийлар томонидан мазкур услуб қўлланган».

Шунингдек, баъзи сўфийлар зоҳирида шариатга хилоф ёки ҳурматсизлик бўладиган гапларни айтганликлари ҳам бор. Улар ҳам ўзларича буни «завқни ўзига хос услуб билан изҳор қилиш», дейдилар.

Аммо баъзи катта сўфийлар бу ишларнинг ҳаммасини ҳам қоралаганлар. Мисол учун, шайх Аҳмад Рифоъий раҳматуллоҳи алайҳи қуйидагиларни айтадилар:

«Аср кишиларидан баъзи биродарларимизнинг:

«Монастир олдида зунноримни боғладим.

«Мен учун ҳимо фақиҳидан ўч олинг», дедим»,

деб ёзганлари ажаб.

Гўёки у бундан бошқа маъноларни ирода қилган эмиш! Бу каби сўзларни зинҳор қабул қилманг. Шайх ҳазратлари ҳақида яхши гумонда бўлишимиз лозим. Аммо динимизга бўлган одобимиз ундан ҳам кўпроқ лозим. Ҳақ тарафида туришимиз ҳаммасидан ҳам муҳим.

Биз зуннор боғламаймиз. (Зуннор – ғайридинлар ўзларининг ғайридинлигининг белгиси сифатида боғлаб юриши лозим бўлган белбоғ.) Биз монастир эшиги олдидан ҳам ўтмаймиз. Биз фақиҳнинг қўлу оёғини ўпамиз. Биз ундан динимиз илмини ўрганамиз. Биз: «Шайх бу лафзлар ила ўзи беркитган мақсадларни талаб қилди», деймиз. Шоядки, у талаб қилган ҳам, беркитмаган ҳам бўлса эди ва ўшанинг ўрнига:

«Шариат эшиги олдида зунноримни ечдим.

Илоҳий фиқҳ ила асроримни пок этдим.

Монастир ва зуннор иккиси ҳам залолатдир.

Борий зотга етишиш эшиги ёлғиз шариатдир»,

деса, яхши бўларди».

Ҳозирги кунимизда шатаҳотлар асосан тарих бўлиб қолган. Тасаввуфни ва унинг тарихини, мутасаввифларнинг шеърятини ўрганган кишиларгина

бу масалага дуч келадилар.

Боҳислар «Нима учун тасаввуф қолса ҳам, шатаҳотлар йўқ бўлиб кетди?» деган саволга икки хил жавоб берадилар.

Биринчи жавоб: кейинги пайтда фанода ва истиғроқда олдинги сўфийларнинг даражасига етадиган сўфийлар чиқмай қолди.

Иккинчи жавоб: аввалда баъзи суфийлар даъво қилган ўзини йўқотиб қўйиш ва шатаҳот даражасига етиш ҳоллари қалбаки бўлган. Ҳозирда ўша қалбакилик йўқолган.

Бизнинг фикримизча, икки сабаб ҳам қисман тўғри бўлса керак.

Шатаҳотларни ўрганган олимлар яна бир саволни қўзғаб, унга ўзлари жавоб берадилар.

Мусулмонлардаги тасаввуфга ўхшаш ҳолат бошқа динларда, жумладан, масиҳийлик ва яҳудийликда ҳам бор. Аммо шатаҳот фақат мусулмонларда бор. Нима учун бу нарса мусулмонларда бор-у, масиҳийлик ёки яҳудийликда йўқ?

Жавоб қуйидагича:

«Шатаҳотнинг мусулмонларда зоҳир бўлишининг сабаби шуки, Исломда Холиқ билан махлуқнинг орасидаги барча фарқлар очиқ-ойдин ёритиб берилган. Шу билан бирга, Исломда Робб билан банданинг орасида восита ва тўсиқ бўлиши мумкин эмас. Мухлис банданинг қалби доимо ўз Роббига етишишга интилади. Ана шу талаб тасаввуф орқали қондирилган.

Масиҳийликда эса банда билан Робби орасида ёпиқ эшик бор. Роббга етишиш учун воситачи бўлиши керак. Воситачисиз У Зотга мутлақо етишиб бўлмайди.

Яҳудийликда иш бундан ҳам мураккаб. Яҳудийларнинг эътиқоди бўйича, Илоҳ ғазабнок, қасоскор ва жаббордир. У доимо чақмоқ, тўфон ва турли бало-офатларни юбориб туради. Шунинг учун ҳам уларнинг эътиқодига кўра, Робб билан банда ўртасида муҳаббат ва унс бўлиши мумкин эмас.

Аммо бугунги кунимизда шатаҳотлар каби ҳолатларни исталганча топишимиз мумкин. Бундай ҳолатлар оддий ҳаётимизда ҳам, турли санъатларимиз намуналарида ҳам (хусусан, абстракционизмга асосланган асарлар ва уларнинг муаллифларида), ишқий-илоҳий шеърятимизда ҳам,

бугунги тасаввуфчиларимиз орасида ҳам учраб туради.

Буларнинг орасида мутлақо билимсизлиги туфайли шундай ҳолга тушиб, ўзининг аҳволидан бутунлай беҳабарлари ҳам, шариатни яхши билмай туриб, тариқатда эканини даъво қилувчилар ҳам бор. Ва аксинча, шариатга ҳам, тариқатга ҳам иложи борича кўпроқ амал қилишга интилганлари ҳам озми-кўпми, учраб туради.

Лекин буларнинг ҳолатлари том маънодаги шатаҳотлар эмас.

Кўпинча бу ҳолатлар сунъий равишда ўзини телбалikka солиш ёки тақвосизлиги оқибатида айтаётган сўзининг фарқига бормасликдан келиб чиқади.

Шаръий билимларни чуқурроқ ўрганиш ила бундай ҳолатлар тезда барҳам топишига ишончимиз комил. Валлоҳу аълам.

Аслини олганда, шатаҳотдан аввалги жазб ҳолати, яъни Аллоҳ азза ва жалланинг муҳаббатига ғарқ бўлиш ва ўзини унутиш кўпгина мутасаввифлар орзу қилган юксак мақомдир. Аммо бу мақом айна пайтда зўр бир синовдир.

«Фано филлоҳ»нинг маъноси Аллоҳга қўшилиб кетиш эмас, балки Аллоҳ таолонинг амридан ташқари барча орзу-хоҳишларини батамом ташлашдир. Зеро, банданинг тўлиқ бахти учун Аллоҳ таоло унга амр қилган нарсаларнинг ўзи кифоя қилади. Шунинг учун бу ҳолатга етишган бандадан Аллоҳ азза ва жалланинг амрларини ва наҳийларини севиб қабул қилмоғи ва Роббул оламин истагандек, солиҳ бир банда бўлмоғи талаб қилинади. Бу талабни тўғри англаган солиқ жазб ҳолатидан шукр мақомига ўтади. Бу талабни англамаган ва Аллоҳ таолонинг яқинлиги завқини қалби кўтара олмаган, Аллоҳ таолонинг Роббул оламин эканини ҳамда Унинг исмлари ва сифатларини тўлиқ идрок қилишдан ожиз қолган ва ўзининг бандалигини, тобелигини, махлуқлигини унутган солиқ шатаҳотга тушади. Аммо ўзини тезда ўнглаб, тавба қилса, яна аввалги мақомига қайтади. Шатаҳотда қолиб кетса, шариат тарафидан мазаммат қилинади. Шатаҳотида собит туриб, фитнага сабаб бўлса, жазога тортилади.

Қизиғи шундаки, шатаҳот ҳолатини оқловчилар ҳам, бундай ҳолга тушган одамларнинг ўзлари ҳам силсилаларининг бошида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг энг яқин саҳобалари бўлмиш Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳумо турганларини иддао

қилишади.

Агар шундай бўлса, нега улар ўз силсилаларининг бошида турган улуғ устозларга хилоф қиладилар?

Ибн Ҳож раҳматуллоҳи алайҳининг «ал-Мадҳал» номли китобларида Ибн Зубайрдан қуйидагича ривоят қилинади:

«Отамнинг олдига борган эдим:

«Қаерда эдинг?!» деди.

«Аллоҳни зикр қилаётган бир қавмни кўриб қолдим. Улардан бири Аллоҳдан кўрққанидан ҳушидан кетиб қолар эди. Улар билан бирга ўтирдим», дедим.

«Бундан кейин улар билан ўтирма!» деди.

Ўзининг бу гапи менга унча таъсир қилмаганини кўриб, яна:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Қуръон тиловат қилганларини кўрдим. Абу Бакр ва Умарнинг Қуръон тиловат қилганларини кўрдим. Улар бундай бўлмас эдилар. Сен ҳалигиларни Аллоҳдан Абу Бакр ва Умардан кўра кўпроқ кўрқади, деб ўйлайсанми?!» деди.

Мен уларни тарк қилдим».

Саҳобалар розияллоҳу анҳумнинг шатаҳотларга муносабатлари ана шундай бўлган. Бинобарин, шатаҳотлардан ҳайратга тушувчилар, шатаҳот эгаларини улуғловчилар ушбу ҳадиснинг маъносини яхшироқ ўйлаб кўрсалар, фойдадан холи бўлмасди.

“Тасаввуф ҳақида тасаввур” китобидан